Ўзбекистонда экотуризм соҳасини ривожлантириш ва уни аҳоли турмуш даражасига таъсир этиш жиҳатлари

А.А.Аблаизов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти.
e-mail: akbar_ablaizov@mail.ru;
Тел.: +99833 914 40 44;

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда экотуризм соҳасини ривожлантириш ва уни аҳоли турмуш даражасига таъсир этиш жиҳатлари баён қилинган .

Калит сўзлар: туризм, экотуризм, даромад, реал даромад , самарадорлик, турмуш даражаси, нафақа, стипендия, социал трансфертлар, мулк , рента, дивидент, ижара.

Abstract: This article describes aspects of the development of the ecotourism sector in Uzbekistan and its impact on the standard of living of the population.

Key words: tourism, ecotourism, income, real income, efficiency, standard of living, benefit, scholarship, social transfers, property, rent, dividend, rent.

Кириш: Тадқиқотларимизнинг натижалари туризмнинг таркибий қисми экотуризм бугун туризм бозорининг барқарор ривожланишида янги иш ўринларини яратишга ва унга турдош бўлган тармоқлар тараққиёти ҳамда ҳамда соҳада юқори даромад олинишига имконият яратилаётганлигини кўрсатмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра ,”2021 йилда экотуризмдан олинган даромад 185,87 млн АҚШ долларидан иборат бўлиб, 2027 йилга келиб 333,8 млн АҚШ долларига етиши кутилмоқда, экотуристлар сони эса 38,9 млн кишидан 71,6 млн кишига ортади”[1] . Ушбу маълумотлар экотуризм туристик-

рекреацион ресурслар самарадорлигини оширишга, табиатни асраш ва муҳофаза қилишга , маҳаллий аҳоли фаровонлигини юксалтиришга салмоқли ҳиссасини қўшишини кўрсатади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мақолада илмий абстракция, таққослаш, тизимли ва мантиқий таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, даврийлаштириш каби усулларидан фойдаланилган.

Адабиётлар шарҳи. Туризм соҳаси билан дунё олимлари шуғулланиб келганлар. Биз мазкур мақолада Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар номлари ва асарларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Булар таркибига: Н.Тухлиев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, М.Т.Алиева, Д.Х.Асланова, М.А.Ҳошимов, О.Ҳ.Ҳамидов, М.Т.Алимова, А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, Р.Хаитбаев, М.Э.Аҳтамова кабиларни киритиш мумкин. Ушбу олимлар туризм соҳасига оид илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Ушбу олимларнинг ишларида экотуризм соҳасини ривожлантириш бўйича умумий жиҳатлари ўрганилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, даромадлар тақсимотини тадқиқ этиш ва уни турли ижтимоий-иқтисодий ва замон ва макон нуқтаи назаридан истиқболли таққослаш аҳоли турмуш даражасини, ижтимоий таъминот даражасини ва жамият томонидан яратилган моддий бойликларни тақсимлашда ижтимоий адолатни баҳолаш учун асос бўлади. Шу сабабли аҳоли даромадларини тақсимлашнинг статистик таҳлиллари бюджет ва ижтимоий сиёсат бўйича қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши, орттирган даромади борган сари ўсиб бориши ўз навбатида екотуризм ривожига ижобий таъсир ўтказади. Қуйида екотуризмнинг

ривожланиш манбаи бўлган аҳоли даромадлари, уларнинг статистик ҳолати тўғрисида қисқача фикр юритамиз.

Аҳоли даромадлари-бу аҳоли ёки унинг оила аъзолари томонидан маълум давр ичида олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал маблағлар йиғиндисидир[2].

Энциклопедик луғатларда қайд қилинишича, “**аҳоли даромадлари** — барча аҳолига тегишли пул ва натурал (маҳсулот шаклида) тушумлар ҳамда кўрсатилган бепул хизматлар суммаси; аҳолининг миллий даромаддаги ҳиссаси. Аҳолининг жами турдаги даромадлари манбаи — иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар, мукофот, фойда, дивиденд, заём ва лотерея ютуғи, банк тўлаган фоиз пули, кўчмас мулкдан келган рента тўлови ва ижара пули, суғурта қопламалари ва бошқалардан иборат. Бозор шароитида аҳоли даромадларининг енг катта қисми пул шаклига эга. Қишлоқ аҳолиси ўзининг томорқа хўжалигидан ҳам маҳсулот олиб, даромад кўради ва у натурал даромадга киради. Шунингдек, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига бепул маҳсулот берилади ва хизматлар кўрсатилади (бепул овқатланиш, кийим-кечак, доридармон, транспорт ва коммунал хизмати ва ҳоказо); булар натурал даромадлар ҳисобланади. Аҳоли даромадлари номинал ва реал даромадларга бўлинади. Номинал даромад аҳоли муайян пул суммаси шаклида олган даромад бўлиб, инфляция таъсирида унинг ҳарид қобилияти пасайиши мумкин. Реал даромад — пул шаклидаги даромадга амалда қандай миқдорда истеъмол буюмлари ва хизматлар харид этиш мумкинлигини кўрсатади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган реал даромад аҳоли турмуш даражасининг умумлашган ва яхлит кўрсаткичи ҳисобланади. Иқтисодиётда аҳоли ялпи пул даромадларидан барча мажбурий ва ихтиёрий тўловлар (солиқлар, қарз пули, бадаллар) чегириб ташлангандан сўнг унинг қўлига

тэгадиган даромад ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли қўлига тэгадиган даромад миқдорига солиқлар кучли таъсир этади”[3].

Аҳолининг даромадлари аҳоли учун шахсий эҳтиёжларини қондиришда, муҳим манба бoълиб хизмат қилади. Аҳоли даромадларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- меҳнати учун олган иш ҳаққи ва бошқа тўловлар;

- индивидуал меҳнат ҳамда тадбиркорлик фаолиятидан даромад;

- нафақа, стипендия ва бошқа социал трансфертлар, мулк даромадлари, рента, дивидент, ижара даромадлари;

- ворислик, суғурта, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан тушумлар ва бошқалар. Аҳоли турмуш даражаси сифатига таъсир кўрсатувчи енг асосий омиллардан бири аҳолининг умумий ва жон бошига тўғри келадиган даромадлари ҳисобланади[4].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015-2030-йиллар учун мўлжалланган “Барқарор ривожланиш мақсадлари” дастурида 17 та глобал мақсаднинг биринчиси етиб “Мамлакатларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш” мақсадини белгилади. Шунингдек, мазкур ҳужжатда 8-мақсад сифатида “Самарали бандликни ошириш ҳамда еркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таʻминлаш асосида барқарор ва кенг қамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш мақсади” белгиланди[5]. Қишлоқ ҳудудлари аҳолисининг даромадини ошириш бўйича бир қатор чора- тадбирлар жаҳоннинг барча мамлакатларида амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасида ҳам аҳоли даромадини ошириш ва камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2022-2026-йилларга

мўлжалланган “Янги Ўзбекистон тарққиёти стратегияси”да қишлоқ хўжалиги ходимлари даромадини 2 баробарга ошириш кераклиги таъкидланган ва камчиликларни камайтириш мақсадида мамлакат ўз олдига 2026-йилга қадар камбағаллик даражасини 2 баробарга камайтириш ва мамлакат експорт ҳажмини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳамда хусусий секторнинг експортдаги ҳажмини 60 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйди[6].

Ўзбекистон Республикасида камбағаллик даражасини камайтиш мақсадида жуда катта салмоғли ишлар қилинди. Хусусан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” каби рўйхатлар шакиллантирилиб, қишлоқ ҳудудлари аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига субсидиялар ва кам фоизли кредитлар берилмоқда. Бу каби сайи ҳаракатлар замирида мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартириб, қишлоқ ҳудудлари аҳолисини хусусий ҳамда якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш кўзда тутилган.

Даромадларни тақсимлаш тўғрисидаги билимлар бутун мамлакатнинг барча аҳолисининг турмуш даражасини баҳолаш, шунингдек, турли ижтимоий гуруҳлар ёки турли минтақалар аъзоларининг турмуш даражасини солиштириш имконини беради. Даромад, шунингдек, бошқа мамлакатларга нисбатан мамлакат аҳолисининг нисбий турмуш даражасини кўрсатади. Кенг маънода, барча моддий ва ижтимоий ҳаёт шароитлари мажмуаси билан белгиланадиган турмуш даражасини ушбу умумий тушунчада аниқлаб бўлмайди.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари йилдан йилга ўсиш суръатини қайд этмоқда.

Маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожланишда экотуризмнинг ролини аниқлаш учун унинг қишлоқ жойларидаги уй хўжаликлари даромадига қўшган ҳиссасини аниқлаш муҳимдир.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг 5 йиллик ҳолати даражаси[1]

Кўрсаткичлар номи	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**
Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм	236893,1	300842,7	365735,6	415085,0	515660,7
Ўтган йилга нисбати %	119,7	127,0	121,6	113,5	124,2
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	7314,1	9128,6	10891,3	12125,6	14769,0
Ўтган йилга нисбати %	117,7	124,8	119,3	111,3	121,8
Аҳоли реал умумий даромадалари, млрд.сўм	216400,1	255971,0	319336,1	367559,6	465271,8
Ўтган йилга нисбати %	109,3	108,1	106,1	100,5	112,1
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, минг сўм	6681,4	7767,0	9509,6	10737,3	13325,8
Ўтган йилга нисбати %	107,5	106,2	104,2	98,6	109,9

[1] O‘zbekiston Respublikasi statistika qo‘mitasi - **stat.uz.**

Ушбу қишлоқ жойларида экотуризмнинг уй хўжаликлари даромадларига қўшадиган ҳиссасини ҳисоблаш респондентларнинг маълум маошлари ва уларнинг ойлик уй хўжаликлари даромадлари асосида амалга оширилди.

Демак, экологик туризмни ташкил етишда маҳаллий аҳоли манфаатларини инобатга олган ҳолда намунавий лойиҳаларни яратиш, уларни амалга оширишда реал ижтимоий-иқтисодий фойда олиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Олинган маълумотларга асосланиб, Самарқанд вилоятида екотуризм ривожланишининг 2015-2020 йиллардаги ўсиш динамикасини қуйидагича беришни лозим топдик:

2-жадвал

Самарқанд вилоятида экотуризмнинг ривожланиш динамикаси[2]

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар:					
		2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Экотуризм соҳасида ишловчи ходимлар киши (минг киши)	1047	1118	1232	1964	2907	897
	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши	102,54	106,78	110,19	159,41	148,01	30,85
2.	Экотуризм субектлари сони	23	26	35	44	115	93
	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши % да	107,31	113,04	134,61	125,71	261,36	80,86
3.	Экотуризм субектлардан олинган даромад, млрд.сўм	5,8	11	13,29	14,15	22,69	13,6
	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши	132,47	189,65	120,81	106,47	160,35	59,93

Экотуризм соҳасида банд бўлган аҳоли сони 2015 йилда 2,54 % га ўсган бўлса, 2016 йилда 6,78% ни, 2017 йилда 10,19 % ни, енг юқори ўсиш

[2] Samarqand viloyati statistika boshqarmasi 2015-2020 yy. ma'lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari .

2018 йилда 59,41 % ни 2019 йилда еса 48,01 % ни ташкил етган 2020 йилга келиб бу соҳада фаолият юритадиган меҳнат ресурслари 69,15 % га қисқаришига бутун дунёда юзага келган пандемиянинг тарқалиши ва туризмнинг тўхтаб қолиши сабаб бўлган.

Экотуризмда бандлик уй хўжаликларининг даромадларига ижобий таъсир кўрсатади, аммо хавфга таъсир икки хил бўлиши мумкин; агар диверсификация кучайса, бу хавфни камайтириши мумкин, аммо екотуризмга бўлган талаб ўзгарувчан бўлган ҳудудларда уй хўжаликлари екотуризмга суянса, хавфни ошириши мумкин ёки екотуризм ҳам иқтисодий, ҳам иқтисодий бўлмаган екзоген зарбаларга мойил бўлади. Умуман олганда, ўрганишлар шуни кўрсатадики, ушбу чекка қишлоқ жойларда юқори даражадаги экотуризм таклиф етаётган иш билан таъминланганлик уй хўжаликлари учун хавфсизроқ ва ишончли даромад манбаи бўлиб хизмат қилишини кўрсатди, улар кўпинча бошқа ҳолларда яъни қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасидан бундай даромадга эга бўлмайдилар[7].

Бизнинг натижаларимиз шуни кўрсатдики, экотуризмни ривожланиши екологик масканлар жойлашган қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Хизмат кўрсатиш секторининг ривожланиши тадбиркорлик субектларини сони ва кўламини кенгайишига, бу орқали аёллар ва ёшлар бандлиги ҳамда даромадларини ошишига сабаб бўлади. Янгидан барпо етиладиган умумий овқатланиш обектлари, кунгилочар масканлар аҳоли пунктларини кўркамлигини ошириш билан бирга, маҳаллий аҳоли учун ҳам кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириб, буларнинг барчаси биргаликда қишлоқ ҳудудларида камбагъалликни камайтиришга ва фаровонликни оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, екологик масканлардан ҳаддан ортиқ фойдаланиш уларнинг

емирилишига олиб келиб, ушбу масканларга келаётган туристлар оқимини мақбуллаштиришнинг иқтисодий-ташкилий асосларини ишлаб чиқиш талаб етади. Ундан ташқари, инсонлар фойдаланишида бўлган екологик масканлар табиий тикланиш салоҳиятига қўшимча равишда ундан келадиган даромад ҳисобига доимий равишда тозалаш ва тиклаш тадбирларини олиб боришни талаб қилади.

Хулоса ва таклифлар: Ўрганишлар жараёнида шундай хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

чекка қишлоқ ҳудудларида мавжуд экотуристик манзилларни аниқлаш ва уни рўйхатга олишни ташкил этиш;

аниқланган екотуризм масканларини иқтисодий баҳолаш лозим. Нафақат янгиларини балким эски экотуристик масканларнинг баҳосини шакиллантириш лозим;

экотуризм масканларида штатдаги иш фаолиятларини шакиллантириш;

экотуризм масканларида иш фаолиятини амалга оширадиган аҳолининг мавсумий ишлаш жараёнини доимийга айлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. T.Turgunov, I.Jalolov “Aholi turmush darajasi rivojlanishi statistic baholash: milliy va xalqaro tajriba” - “Jamiyat va boshqaruv” №4, 2018 y.

2. Bekmurodov, A. A. “Tijorat banklari faoliyatini raqamlashtirish va informatsion texnologiyalarni rivojlantirish istiqbollari.” Экономика и социум 6-1 (109) (2023): 87-89.

3. Bekmurodov, A. A. "Banklarni trasformatsiya qilish sharoitida masofadan xizmat ko’rsatish tizimini ommalashtirish." Экономика и социум 6-1 (109) (2023): 83-86.

4. United Nations.Department of Economic and Social Affairs. Sustainable Development. (https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/6754T.

5. Sh. Mirziyoyev “Yangi O‘zbekiston taraqqiyoti strategiyasi”-T. “O‘zbekiston” nashiryoti 2022 yil. 416 b.

6. Susan Snyman “The impact of ecotourism employment on rural household incomes and social welfare in six southern African countries” January 2014 Tourism and Hospitality Research 14(1-2):37-52.

7. https:/www.alliedmarketresearch.com/eco-tourism-market

8. https://www.elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqil-ish-kurs-ishi/item/14358-aholining-turmush-darajasi-va-uning-daromadlari

9. https://uz.wikipedia.org/wiki/Aholi_daromadlari.

Банк для клиента

Ниёзов Зухур Давронович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.н.
Махсудов Ориф Шакирович
Самаркандский институт экономики и сервиса
Ассистент кафедры «Банковское дело»
e-mail: orifmaxsudov1@gmail.com

Аннотация: В данной статье рассмотрены классификация клиентов банка по различным критериям и даны характеристика типов клиентов банка.

Abstract: This article examines the classification of bank clients according to various criteria and provides characteristics of the types of bank clients.